

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ ҒУЛОМ РИЗОҒУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКМАНИСТОН
ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Мирзаев Гулом Ризоқулович

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ҳамкорлик алоқаларининг
шаклланиш ва ривожланиш тарихи 3

Мирзаев Гулом Ризоқулович

История формирования и развития сотрудничества
Республики Узбекистан с Туркменистаном..... 23

Mirzaev Gulom Rizoqulovich

The history of formation and development of cooperation of
Republic of Uzbekistan and Turkmenistan 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ ҒУЛОМ РИЗОҚУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКМАНИСТОН
ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В.2017.2.PhD/ Таг139 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуриддинов Эркин Зухриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Мирзохид Акрамович
тарих фанлари доктори, профессор,

Қирғизбоев Абдуғаппор Каримжонович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси билан).

А. С. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик.

М. Х. Пайзиёва

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

С. С. Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида содир бўлган дунё аҳамиятига молик ўзгаришлар Марказий Осиё минтақасининг жаҳон халқлари тарихида ўрни ва роли ошишига олиб келди. Ушбу худудда бир қатор мустақил давлатларнинг ташкил топиши минтақада “хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш” вазифасини бажаришимиз муҳим ва зарурлигини кўрсатди¹.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув шароитида кўп қутбли тартибнинг қарор топиши ва инсоният цивилизацияси тараққиётида юзага келган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳамда минтақалараро зиддиятларнинг кескинлашувини бартараф этишда давлатлараро ҳамкорликни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб эта бошлади². Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистон давлатларининг ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлик масалалари, ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини таҳлил қилиш борасида ҳам бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда³.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масалалари Туркманистон мисолида шу вақтга қадар Ўзбекистон тарихи фанида махсус тадқиқот сифатида илмий жиҳатдан ўрганилмаганлиги нафақат мавзунинг долзарблигини белгилайди, балки унинг илмий янгилигидир. Зеро, “Туркманистон – биз учун тарих ва вақт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиз...”⁴ эканлигини ҳисобга олган ҳолда икки давлат ҳамкорлигини тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш мавзунинг яна бир муҳим жиҳатидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида”ги (2012) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи. – 2017. – 11 ноябрь.

² Бжезинский З. Великая шахматная доска: господство Америки и его геостратегические императивы: [пер. с англ]. – М.: АСТ, 2015. – 702 с.

³ Лаумулин М.Т. Центральная Азия в зарубежной политологии и мировой геополитике. Том I: – Алматы. 2005. – 704 с; Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2016. – С. 224.

⁴ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 354.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг энг тарихи, хусусан, халқаро муносабатлари тарихини турли аспектларда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мавзуни ёритишда бир қатор илмий адабиётлар ўрганилган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот ишлари, иккинчи гуруҳни хорижлик муаллифлар томонидан нашр этилган тадқиқотлар ташкил этади.

Биринчи гуруҳдаги муаллифлар мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг шаклланиши, жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларини ўрганишган. Буларга А. Касымов, Л. Петрова, И. Васькин, А. Алимов, А. Расулов, Э. Нуриддинов, С. Пўлатова, Р. Алимов, Р. Хақимов, Л. Бабаходжаева, С. Сафоев, А. Қирғизбоев, М. Раҳимов, Ч. Кўчаров, Ф. Усаров, Н. Ғофуров, Ш. Арифханов, Н. Зиямов, С. Атаджанова, Ф. Исматуллаев, Д. Сайфуллаев, О. Абдимўминов⁵ каби муаллифларнинг изланишларини кiritиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлиги ҳамда миллатлараро тотувликнинг таъминланишига доир айрим мақолалар Ж. Файзуллаев, О. Журақулов, А. Абдиев, А. Хонов, А. Абаев ва Қ. Муҳаммадризо⁶лар томонидан нашр этилган. Бироқ, мустақиллик йилларидаги Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлик алоқаларига илмий жиҳатдан эътибор қаратилсада, алоҳида диссертацион тадқиқот олиб борилмаган.

⁵ **Изоҳ:** Муаллифлар тадқиқот ишлари диссертацияда тўлиқ ўз аксини топгани учун айримларини келтириб ўтишни жоиз топдик. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистана, взгляд в будущее. – Т.: Узбекистан, 1992; Нуриддинов Э.З. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари. // Ўзбекистон тарихи. – Т.: 2000 - № 4. – Б. 27-37; Пўлатова С.А. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари ва уларнинг Республика барқарорлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти (Хорижий шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалари мисолида). Тарих ф. н. учун ёз.дисс. Т.: 1994. 149 б. Бабаходжаева Л.М. Основные тенденции и направления международного культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан (период независимости).: Автореф. дис. д-ра. ист. наук. – Т.: 2011. – 48 с; Раҳимов М.А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010 годы). Автореф. дис. ... д-ра. ист. наук. – Т.: 2012. 50 с; Ғофуров Н.О. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги (1991 – 2001 йиллар).: Тарих фан. ном... дисс. Автореф. – Т.: ЎзМУ. 2011. – 29 б. Исматуллаев Ф.О. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991-2005 йиллар).: Тарих фан ном... дисс. Автореф. - Т.: ЎзМУ, 2011. – 30 б. Сайфуллаев Д.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фанлари бўйича фалс докт (PhD) дисс. Автореф. - Т.: ЎзМУ, 2017. 50 б. Абдимўминов О.Б. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан муносабатлари тарихи. Тарих фанлари. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. Автореф. - Т.: 2018. 54 б.

⁶ Файзуллаев Д. Газовый потенциал Узбекистана и Туркменистана. // Азия и Африка сегодня. № 9. 2004. – С. 13-17; Абдиев А.Я. Икки эл фарзандиман. // Қашқадарё. – 2009. – 23 янв; Жўрақулов О.Ж. Чандир туркманлари. Т.: Фан, 1992. – 234 б; Муҳаммадризо Қ. Боқий дўстлик (Эбеди достлук). Урганч. Хоразм, 2007. Хонов А. Дунёси бир ўзбек билан туркманнинг. Ўша муаллиф. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳосиласи. // Ишонч. – 2017. – 16 фев. Ўша муаллиф. Навоси бир ўзбек билан туркманнинг. // Хуррият. – 2017. – 8 март. Абаев А ва бошқ. Олис йўллар – нурли манзиллар. Нукус. Қарақалпақстан, 2010. – 168 б.

Иккинчи гуруҳини хорижлик муаллифлар тадқиқотлари ташкил этиб, уларни биз шартли равишда икки йўналишга ажратдик: *Биринчи йўналишига* МДХ мамлакатлари тадқиқотчиларининг илмий ишларини киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистоннинг ҳамкорлиги масалалари асосан, Марказий Осиё минтақаси мавзуси доирасида С. Пархоменко, Е. Аюшиева, Е. Троицкий, В. Шириев, А. Искандаров, М. Ким, В. Маслов, Д. Аксенов, А. Джекшенкулов, М. Лаумулин, Р. Жумали, Г. Джамиева⁷ каби олимлар ўз тадқиқотларида атрофлича тўхталиб ўтган бўлсада, айнан Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ҳамкорлиги муаммоси тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. *Иккинчи йўналишни* узоқ хорижлик муаллифлар тадқиқотлари ташкил этиб, бунга халқаро муносабатлар тизими концепциясининг методологик асослари ёритилган асарлар муаллифлари саналган З. Бжезинский, Г. Киссинджер ва С. Хантингтонларнинг ишларини киритиш мумкин⁸. Шунингдек, Р. Манн, О. Антоненко, Ю. Хромов, Т. Танака, А. Эрозан, Ш. Акинер, Р. Менон, С. Фредерик, С. Пейрўз, Н. Давлат, А. Адриенна, А. Лихачева ва Л. Ансесчи⁹лар мақолаларида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари, минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги, икки давлат ташқи сиёсатида Россия ва АҚШ каби мамлакатларнинг таъсири ҳақида сўз юритилган.

Тадқиқот жараёнида Туркменистоннинг ички ва ташқи сиёсатида доир тадқиқот ишлари ҳамда Туркменистон давлати раҳбарлари С.А. Ниёзов ва Г.М. Бердимухамедов маърузалари¹⁰ ҳамда С. Дурдыев, А. Медведов¹¹ каби туркменистонлик тадқиқотчилар асарлари ҳам кенг қамровда ўрганилди.

⁷ Пархоменко С.А. Политика США в Центральной Азии в начале XXI века: интересы, приоритеты, направления и формы реализации. Владивосток. 2010. 230 с; Троицкий Е.Ф. Центральная Азия в системе международных отношений (1992-2009 гг.). Томск. 2010. – 511 с. Шириев В. Ю. Политическая модернизация в Центральноазиатском регионе на примере Туркменистана. Дис...канд. полит. наук. М.: 2002. – 183 с; Искандаров А. И. Интеграционные процессы в государствах Центральной Азии :На примере Республики Таджикистан и Туркменистана. Дис...канд. полит. наук. М.: 2002. – 172 с; Аксенов Д. В. Центральноазиатский макрорегион в новой системе международных отношений. Дис...канд. полит. наук. М.: 2000. 157 с; Жумали Р. Геополитика Центральной Азии. – Алматы: 2006. – 515 с. Джамиева Г.Н. История становления и развития Туркменистана как нейтрального государства (1995-2015 гг.). Автореф...канд. ист. наук. Душанбе. 2018. – 25 с

⁸ Бжезинский З. Великая шахматная доска: господство Америки и его геостратегические императивы: [пер. с англ]. – М.: АСТ, 2015. – 702 с. Киссинджер Г. Рецепт хаоса // США – ЭПИ. 1994. -№ 1. – С. 77-79. Samuel P. Huntington. The Clash of Civilization? // Foreign Affairs/ - Summer. – 1993. – P. 22-49.

⁹ Mann Poonam. The impact of the Afghan situation on regional security concerns of Central Asia. Центральная Азия а XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции (13-15 май, 2003 г. Ташкент) Т.: “Шарк” 2004, – Б. 51-57; Akiner Sh. Prospects for regional cooperation in Central Asia. // Ўша тўплам. – Б. 166-182. // S.Frederick and Starr. Uzbekistan and Turkmenistan: Staying Away. // <http://www.silkroadstudies.org / resources / pdf / publications / 13-1409GrandStrategy-Starr-UZTM.pdf> ; Peyrouse S. Turkmenistan: Strategies of power, dilemmas of development. New York. 2012 // Nadir Devlet. Ethnicity and power: relations between the Central Asian states. // <http://sam.gov.tr / wp-content / uploads / 2012 / 02 / NadirDevlet.pdf> . // Luca Anceschi. Integrating domestic politics and foreign policy making: the cases of Turkmenistan and Uzbekistan. // Central Asian Survey. Vol. 29.No.2, June 2010, – P. 143-158.

¹⁰ Концепция внешней политики Туркменистана как нейтрального государства. // *Türkmenistnyň hemişalik bitaraplygy* (Постоянный нейтралитет Туркменистана) Aşgabat-“Türkmen döwlethabarlari” 2005. – С. 239-284. // Бердимухамедов Г. Государственное регулирование социально-экономического развития Туркменистана. Том 1. ТГИС. Ашгабад. 2010. – 272 с. Нейтралитет Туркменистана: политика мира и развития. Сборник официальных выступлений и обращений Президента Туркменистана Гурбангулы Бердимухамедова. – Ашхабад. ТГИС. 2015. – 470 с.

¹¹ Дурдыев С. Внешняя политика Туркменистана // Туркменистан №1-2 (106-107), 2014; Медведов А. Внешняя политика Туркменистана в 2007 году и перспективный прогноз на 2008 г. // <http://ia-ctntr.ru/expert/293>.

Аммо, уларда ҳам Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатларига кам эътибор қаратилган.

Кўрсатилган ишларнинг илмий қийматини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистоннинг ҳамкорлик алоқаларига оид материалларни ўрганиб чиқишимиз жараёнида кўлга киритилган натижалар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, уларда ушбу масала мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг ФА–Ф8-042-сон “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи (1985-1991 йй.)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2007-2011 йй.) ҳамда Тошкет давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2015 йил 24 январдаги 3-сонли мажлисида тасдиқланган илмий-тадқиқот ишлари режаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқалари тарихини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлиги ҳуқуқий асосларининг шаклланиш жараёнини таҳлил этиш;

Марказий Осиёдаги муаммоларни бартараф этиш йўлида икки мамлакатнинг ҳамжиҳатлигида амалга оширилган ҳаракатларини ёритиш;

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни очиб бериш;

давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида транспорт коммуникациялари ва энергетика соҳаларининг ролини асослаб ўтиш;

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг маданият соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини “халқ дипломатияси” шаклида икки мамлакат муносабатларининг янада мустаҳкамланишига қўшаётган ҳиссасини ёритиш;

икки мамлакат ўртасида таълим, илм-фан, туризм ва спорт соҳаларида алоқалар йўлга қўйилганлиги ва мустаҳкамланганлиги ҳамда уларнинг ҳамкорликдаги ўрнини кўрсатиб ўтиш;

тадқиқот натижалари асосида яқуний хулосалар чиқариш ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг энг янги тарихи даврида Туркменистон билан ҳамкорлик алоқалари олинган.

Тадқиқот предмети - Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистоннинг минтақавий муаммоларни бартараф этиш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва тизимли-хронологик таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг пасайиши ва турғунлиги, фаол шаклланиши ҳамда яқин кўшничилик муносабатлари асосида “Стратегик ҳамкорлик” даражасига кўтарилганлиги босқичма-босқич очиб берилган;

минтақада ишончли хавфсизлик муҳитини шакллантириш, ядро куролидан ҳоли ҳудуд яратиш ва Оролни Қутқариш халқаро жамғармасини тузишдаги амалий ҳаракатларда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлигининг конструктив роли кўрсатиб берилган;

Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодий ҳамкорлигининг шаклланиш зарурияти, ўзаро товар айрибошлашнинг дефицит ва профицит ҳолати даврларга мос равишда очиб берилган;

Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни амалга оширишда “Ўзбекистон-Туркменистон” дўстлик жамияти ва Республика Туркман маданият марказлари фаолияти “халқ дипломатияси”нинг муҳим омили сифатида хизмат қилиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлигини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, тегишли ташкилотлар жорий архивларидан олинган маълумотлардан кенг фойдаланилган ва улар илк бор илмий муомалага киритилган;

бир қатор хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили мисолида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқалари динамикаси кўриб чиқилиб, тўпланган маълумотлардан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида, маданий-гуманитар алоқаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти, дўстлик жамиятлари фаолиятини кучайтириш, ҳамда маданий тадбирларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи архив манбаларига асосланганлиги, кўп турдаги илмий адабиётлар ва даврий матбуот материаллардан фойдаланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот илмий натижаларидан республиканинг ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий фаолиятини олиб борувчи давлат муассасалари Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти ва жаҳон ҳамжамияти билан янада интеграциялашувига оид истиқболли дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда мазкур муаммога оид методологик-услубий ёндашувлар ва назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти эса, Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ташқи сиёсати ва ҳамкорлик алоқалари тарихини тадқиқ этишга

бағишланган мақсадли давлат дастурларини бажарилиши ҳамда объектив тарихий билимларни такомиллаштиришда муҳим манба сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига оид ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданий ҳамкорлиги, Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик сиёсати, Ўзбекистондаги туркман миллий маданий марказлари фаолияти каби масалалар Республика туркман маданият маркази, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази ва “Ўзбекистон – Туркменистон” дўстлик жамияти фаолиятларига (2016-2017) татбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2017 йил 31 октябрдаги 03-08-766 сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ушбу марказлар ва жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган. Хусусан, жамиятнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда хизмат қилмоқда;

Ўзбекистоннинг мураккаб тарихий жараёнда мустақилликка эришиши, мустақил ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва халқаро муносабатларда ўз ўрнини топиши жараёни, ташқи сиёсатда аввало Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиши каби жиҳатларини илмий ва тарихий фактлар асосида ёритиш масалалари ФА–Ф8-042-сон “Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихи (1985-1991 йй.)” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2007-2011 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги № ФТА-02-11/1206 сон маълумотномаси). Илмий натижалар икки мамлакат ташқи сиёсатининг ўхшаш ва яқин жиҳатлари ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги амалий ҳаракатлари; Оролбўйи минтақаси экологик муаммоларини бартараф этишнинг истиқболли масалалари; Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг иқтисодий ва маданий соҳаларидаги ҳамкорлигининг ривожланиш жараёнини илмий далиллар асосида аниқлашга хизмат қилиб икки давлат ҳамкорлик алоқалари тарихини ўрганиш, ҳамкорлик масалалари бўйича илмий билимларни ривожлантириш ва таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 27 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, жумладан 4 та халқаро ва 23 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган. Туркменистон Фанлар академияси Тарих институти, Туркменистон Фанлар академияси Археология ва Этнография институтларидан тақриз олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13

та мақола, жумладан, 12 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми: Тадқиқот кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлигининг шаклланиши ҳамда минтақавий муаммолардаги ҳамжиҳатлиги”** деб номланган биринчи бобида мустақиллик даврида икки давлат ҳамкорлигининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолати ҳуқуқий асослари ҳамда Марказий Осиёдаги муаммоларни бартараф этиш йўлида икки мамлакатнинг ҳамжиҳатлиги таҳлил этилган. Шунингдек, ҳамкорликни ривожлантирувчи ва мустақамловчи қарашлар илгари сурилган.

“Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлиги ҳуқуқий асосларининг шаклланиши” деб номланган биринчи параграфда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилиб изчил ривожланиб боришида ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқий асосларининг ўрни ва роли таҳлил этилган. “Бундай ҳамкорлик ришталари ҳам юртимизда, ҳам минтақамизда тинчлик ва тараққиётни мустақамлашга хизмат қилиши”¹² га алоҳида эътибор қаратилган. Олий даражада қабул қилинган битимлар, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликка оид 200 дан ортиқ ҳужжатлар турли соҳаларда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганлиги диссертацияда ўз тасдиғини топган.

Таъкидлаш жоизки, қардош мамлакатлар ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий асоси мустақиллик арафасидаёқ шакллана бошланган эди. 1991 йил 19-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Қаримов бошчилигида давлат делегациясининг Туркменистонда бўлиб, икки республика¹³ ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома ҳамда республикалар ҳукуматлари ўртасида 1992-1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битимнинг имзоланиши натижасида икки мамлакат-

¹² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 271.

¹³ Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, 1991 йил ноябрдан бошлаб Туркменистоннинг расмий номи - Туркменистон деб атала бошлаган. Бу ҳақда қаранг: Конституции мира. Сборник конституций государств мира. Т. 5. Сост. и авторы выступ. стат. Таджиханов У и Саидов А. Т.: “Академия”, 1998. – С.45.

нинг минтақада ташқи сиёсатни белгилашида муҳим ўрин тутувчи ишончли ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизи яратилди¹⁴. Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари ўртасида 1993 йил 14 апрелда транспорт ва алоқа доирасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари тўғрисида¹⁵, 1993 йил 28 августда божхона муносабатлари асоси тўғрисида ва 1993 йил 11 октябрда электр почта алоқалари тўғрисида битимларнинг имзоланиши давлатлараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини шакллантириши билан бирга сўнгги йилларда имзоланган қатор ҳужжатларнинг ҳуқуқий базаси сифатида амалиётда ўз аксини топди¹⁶. Чунки, сиёсий-ҳуқуқий асос ҳар қандай давлатлараро ҳамкорликни ҳаракатлантирувчи механизмдир.

1996 йил 16 январда “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”¹⁷, 2004 йил 19 ноябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида” ҳамда 2007 йил 18 октябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги давлатлараро шартномалар ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқий асосларининг юқори поғонага кўтарилганлигини кўрсатади¹⁸. Шу билан бирга, Туркменистонда С. Ниязов президентлик қилган даврда икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик йўлида давлат раҳбарлари ва ҳукуматлараро имзоланган бир неча келишувлар ва шартномалар шаклланган, бироқ амалда уларнинг тўлалигича бажарилмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида хорижий давлатга илк ташрифидир. Президентимизнинг мазкур давлат ташрифи Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият бераётганлигини яққол тасдиқлади. 2018 йил 23-24 апрель кунлари Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифида имзоланган 17 та ҳужжат Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади¹⁹.

Диссертацияда кенг қамровда олиб борилган музокаралар якунида икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ва ушбу давлатлар ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиши²⁰ таҳлил этилган.

“Марказий Осиёдаги айрим глобал муаммоларни бартараф этиши йўлида икки мамлакатнинг ҳамжиҳатлиги” деб номланган иккинчи параграфда

¹⁴ЎЗР МДА М-37 фонди, 2-рўйхат, 81-йиғма жилд. 16-19-варақлар.

¹⁵ЎЗР МДА М-7 фонди, 1-рўйхат, 330-йиғма жилд. 152-158-варақлар.

¹⁶ЎЗР МДА М-7 фонди, 1-рўйхат, 333-йиғма жилд. 148-варақ.

¹⁷ЎЗР МДА М-7 фонди, 1-рўйхат, 333-йиғма жилд. 148-149-варақлар.

¹⁸Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами. Т.: 2007, № 4 сони, – Б. 45-47.

¹⁹ Халқ сўзи. – 2018. – 24 апрель.

²⁰ Хабарнома. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. – Т.: 2017. – № 1. – Б. 260.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан умумий чегарадошлиги, шубҳасиз, минтақани барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айлантириш мамлакат ташқи сиёсатининг асосий мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи омиллардан бири эканлиги ҳамда бунда Туркменистон билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши тадқиқ қилинган. Диссертацияда таъкидланишича, Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бойси, Ўзбекистоннинг “ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқдир”²¹.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг йиғилишида қилган маърузасида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббуси билан чиққан эди. Ушбу ташаббусга кўра, 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда минтақада ишончли хавфсизлик тузилмасини тузиш, коммуникация инфраструктурси ва иқтисодий ҳамкорлик каби масалалар кўриб чиқилди²². 2006 йил сентябрида Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида шартнома имзоланиши ва унинг шу йил декабрида БМТ Бош Ассамблеясини Марказий Осиё давлатлари номидан Ўзбекистон Республикаси тақдим этган 61/88-сонли “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисида”ги резолюциянинг овоз бериш йўли билан тасдиқланиши²³ таҳлили тадқиқотда ўз аксини топган.

1995 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган махсус резолюцияга мувофиқ, Туркменистон доимий бетарафлиги ҳуқуқий мақоми халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди. Бетараф давлат мақомига эга бўлган Туркменистон сиёсий, иқтисодий, ҳарбий иттифоқ ва блоklarга кирмаслик, оммавий қирғин қуролидан воз кечиш каби мажбуриятларни олди. Бу мақом Туркменистонга халқаро ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар, блоklarда иштирок этишдан тўлиқ воз кечиш, минтақа ҳамда дунёда қарама-қаршиликнинг бирор-бир шаклларига жалб этилмаслик ва бунда ўз хавфсизлиги кафолатларини сақлаб қолиш каби имкониятларни берди²⁴.

Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан кўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштириш, халқаро терроризм, экстремизм, нар-

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. 2012 йил 10 сент. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. № 9/1. 2012. – Б. 12.

²² Рахимов М.А. и др. История становления и развития сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями. Т.: 2011. – С. 9.

²³ Турсунмуратов Т.М. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий-технологик салоҳият омили. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2008. – Б. 72-74.

²⁴ Концепция внешней политики Туркменистана как нейтрального государства. // Türkmenistnyň hemişalik bitaraplygy (Постоянный нейтралитет Туркменистана) Aşgabat-“Türkmen döwlethabarlari” 2005. – С. 239-284.

котрафик, уюшган трансмиллий жинойтчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига яқин ва ўхшаш. Буни тасдиқловчи бир қанча жиҳатлар мавжудлигини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири бу – Ашхободда очилган БМТнинг Превентив дипломатия бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий маркази (МОПДММ)дир. Ушбу Марказ 2007 йилнинг 10 декабрда Туркменистон пойтахти Ашхободда очилган. Марказ Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукуматларига халқаро кўмакни жалб этиш ва мулоқотлар йўли билан низоларни бартараф этиш²⁵ ҳамда можароларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича имкониятларини амалга оширишда ёрдам кўрсатади²⁶.

Тадқиқотда бугунги кунда Марказнинг Марказий Осиё мамлакатларига ҳудудда мавжуд ҳамда эҳтимоли бор таҳдидлар ва келишмовчиликларнинг олдини олиш борасида диалог, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик йўли билан уларнинг имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида самарали фаолият олиб бораётганлигига алоҳида эътибор қаратилган. 2017 йил март ойида фойдаланишга топширилган Амударё устида қурилган Туркманобод – Фараб автомобиль ва темир йўллари кўприги бунинг узвий давомидир.

Диссертацияда тадқиқ этилган масалалардан яна бири бу Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммолар ҳисобланади. 1993 йили Орол денгизи ҳавзасида экологик инқирозни бартараф этиш ҳамда у ерда ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш мақсадида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) ташкил этилди. Унинг асосчилари Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳисобланиб, бугунги кунда, уларнинг барчасида ОҚХЖ Ижроия кўмитаси филиаллари мавжуд. Маълумки, 2017-2019 йиллар мобайнида ОҚХЖ органи раислиги вазифасини бажариш Ўзбекистон Республикасидан Туркменистон давлатига ўтди. Бу вақт давомида, Туркменистон давлати Орол денгизи муаммолари билан боғлиқ биологик хилма-хилликни қайта тиклаш, сувдан фойдаланиш тартибини мувофиқлаштириш ва бошқа экологик муаммолар ечимини топишга доир тегишли ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш устида изчил иш олиб борилаётганлиги таҳлил этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг очик, дўстона ва прагматик сиёсати минтақамиз халқлари хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик**” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг кенг қамровли ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалари, хусусан, Кўшма комиссия фаолияти, кўшма корхоналарни тузилиши, транспорт коммуникациялари ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлиги масалалари тадқиқ этилган.

Бобнинг “*Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги*” деб номланган биринчи параграфида ушбу давлат-

²⁵ Bitarap Türkmenistnyň daşary syýasaty we diplomatiýasy. – Aşgabat – 2010. – S. 13.

²⁶ http://www.xn--h1aekdm.uz/preventiv_diplomatiya/1619939 (15.10.2015).

ларнинг икки томонлама савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркменистон ҳукуматлараро Қўшма комиссияси фаолияти, миллий кўргазмаларнинг иқтисодий муносабатлардаги ўрни ва роли, ўзаро товар айрибошлашнинг аҳамияти ёритилган.

Диссертацияда икки мамлакат иқтисодий муносабатлари, улар ўртасидаги савдо алоқаларининг даражаси ва товарлар турлари кўринишидаги ҳолати таҳлил этилганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ўртасидаги савдо алоқаларининг ҳажми 1992 йилда – 158,1 млн., 1996 йилда – 190,7 млн., 2010 йилда – 269,2 млн., 2011 йилда – 512,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилган²⁷. Ўзаро савдода Ўзбекистон экспортининг асосий қисмини енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари, кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, маиший электр ва электр техника асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сархил ва қайта ишланган полиз маҳсулотлари, хизматлар, тош ҳамда гипсдан тайёрланган буюмлар, ойна буюмлари ташкил этган. Туркменистондан келаётган импорт моллар таркибида нефть ва нефть маҳсулотлари, газ конденсати, полистрол, бишофит, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш саноати маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, ёғ ва ўсимлик мойи, хизмат кўрсатиш, ноорганик кимёвий воситалари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар ҳамда гиламлар асосий ўрин эгаллаган²⁸.

Тадқиқот натижасида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигида ўзаро товар айрибошлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган бўлсада, кейинги йилларда ўзаро товар айрибошлаш пасайганлиги аниқланди. Яъни, 2014 йилда – 413,1 млн., 2015 йилда – 319,9 млн., 2016 йилда – 209,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилган²⁹. Шунингдек, ушбу мамлакатлар сармоялари асосида ташкил этилган қўшма корхоналар сони ҳам улар имкониятидан анча камлигини (11 та) кўрсатмоқда³⁰. Ушбу масала 2018 йил 23-24 апрель кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган Туркменистон Президенти билан бўлиб ўтган мулоқотда ҳам ўрганиб чиқилди. Унда 2020 йилга бориб, товар айрибошлаш ҳажмини 500 млн. АҚШ долларига етказиш учун чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди³¹. Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан таққослаганда ҳамкорликда 260 та ўзбек-қозоқ³², 57 та ўзбек-қирғиз³³ ва 25 та ўзбек-тожик³⁴ қўшма корхоналари ташкил этилганлигининг гувоҳи бўламиз.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг жорий архиви. 1992 – 2012 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон давлати ўртасида ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот. 3 – варак.

²⁸ Халқ сўзи. – 2012. – 3 окт; – 2010. – 16 окт; – 2013. – 26 нояб; – 2018. – 25 апр.

²⁹ ЎЗР ДСҚ ЖА. 2013 – 2017 (янв-сент) йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон давлати ўртасида ташқи савдо айланмаси ҳақида маълумот. 1 – варак.

³⁰ ЎЗР ДСҚ ЖА. Республика бўйича фаолият кўрсатаётган Туркменистон ҳамкорлигида Ўзбекистонда ташкил топган қўшма корхоналар рўйхати. 01.10.2017 й. ҳолатига. 2 – варак.

³¹ Халқ сўзи. – 2018. – 24 апр.

³² Халқ сўзи. – 2018. – 16 март.

“Давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишида транспорт коммуникациялари ва энергетика соҳаларининг роли” деб номланган иккинчи параграфда Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошираётганлиги ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқотда қадимда куруқликдаги туя карвонларидан иборат савдотик ва маданий муносабатлар йўли бўлган Буюк Ипак йўлини бугунги кунда сув, темирйўл, ҳаво ва қувур транспорт йўллари кўринишидаги фаолияти таҳлил этилган.

Диссертацияда Ипак йўлига бўлган замонавий эҳтиёж тарихий эволюцион жараён сифатида қаралиши ва ундан бутун инсоният цивилизацияси тараққиёти йўлида мақсадли фойдаланиш зарурияти ҳамда Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий жиҳатдан Евросиё мегаконтинентидаги ўрни беқиёс³⁵ эканлиги кўрсатиб берилган.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ва Туркменистон транспорт-коммуникациялари Марказий Осиёни Европа ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш ҳамда Кавказ минтақаси билан боғлашда муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотда мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон ва Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдони, кенг кўламдаги сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутиши таъкидланган.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг транспорт коммуникациялари борасидаги ҳамкорлиги масаласида сўз кетганда, 2010 йил октябр ойида Ашхободда имзоланган “Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон” янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини ташкил этиш бўйича битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Диссертацияда шунингдек, муҳим стратегик хом ашёни экспорт қилиш имконини берувчи “Туркменистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой” трансмиллий газ қувурининг ишга тушиши (2009 йил 14-декабрь) Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ушбу соҳадаги ҳамкорлигига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги тадқиқ этилган.

2017 йил 20 май куни Туркменистон энергетика вазирлиги ва “Ўзбек-энерго” акциядорлик жамияти ўртасида электр энергияни транзит қилиш ҳамда узатиш ҳақидаги ўзаро англашув Меморандуми имзоланиши шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаши кўрсатиб ўтилган³⁶.

Диссертацияда таъкидланганидек, мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстона қўшничилик муносабатларини икки қардош халқ бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиги йўлида янада жипс-

³³ <https://uzreport.news/economy/kolichestvo-predpriyatiy-s-inostrannim-kapitalom-v-uzbekistane-previsilo-5-5-tis> (18.03.2018).

³⁴ Халқ сўзи. – 2018. – 10 март.

³⁵ Кучаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари (геосиёсий таҳлил тажрибаси). Т.: 2008. – Б. 112.

³⁶ <http://kun.uz/news/2017/05/21/savkat-mirzиеev-va-gurbanguli-berdimuhamedov-imzolagan-uzzatlar-nimalardan-iborat> (22.05.2017).

лаштириш, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ҳамда транспорт коммуникациялари тармоқларини ривожлантириш бўйича мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Шубҳасиз, бу эса келажакка ишончни кучайтириб, икки мамлакат халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистоннинг маданий-гуманитар ҳамкорлиги”** деб номланган учинчи бобда икки мамлакатнинг гуманитар, маданий тадбирлар, таълим, илм-фан, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлиги ёритилган.

“Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданият соҳасидаги ҳамкорлиги” ёритилган биринчи параграфда икки давлат маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни изчил амалга ошириш учун бир қатор ҳамкорлик дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, маданий ҳамкорлик йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Диссертацияда Ўзбекистон ва Туркменистон давлатларининг маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши (ЎХМДММАЖК), “Ўзбекистон – Туркменистон” дўстлик жамияти, Республика Байналмилал маданият маркази (РБММ) ҳамда Республика туркман маданият марказлари фаолияти алоҳида ўрин тутганлиги таъкидлаб ўтилган. Ўзбек ва туркман халқлари адабий алоқаларининг мустақиллик йилларидаги ҳолати, “халқ дипломатияси” асосидаги ҳамкорлик ривожини ёритилган. Фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга доир ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони³⁷ билан ЎХМДММАЖК ва РБММ негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудида ўтказиладиган турли тадбирлар, концерт, фестивал ва танловларда иштирок этиб келиши, Туркменистон санъат усталарининг “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам равишда қатнашиши, адабий алоқаларнинг маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги роли тадқиқ этилган. Жумладан, 2008 йил 7-12 апрел кунлари Ашхободда бўлиб ўтган “Туркменистон: инсоният мусиқа санъатининг маънавий хазинаси” фестивалида мамлакатимиздан “Ўзбекистон солистлари” камер оркестри иштирок этган бўлса, шу йилнинг 14-20 август кунлари Тошкент вилояти, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Туркменистон кинеси кунлари бўлиб ўтди ва тадбир

³⁷ Халқ сўзи. – 2017. – 20 май.

давомида туркменистонлик киноижодкорларнинг 11 та фильми намойиш этилди³⁸. Туркменистон санъат усталари Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир ўтказилиб келинадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида ҳам мунтазам равишда қатнашиб келмоқда. Хусусан, 2009 йилда бўлиб ўтган VII фестивалда туркменистонлик Л. Бегназарова “Шарқ тароналари” Гран-при соҳибаси бўлди³⁹.

Бобнинг “*Икки мамлакат ўртасида таълим, илм-фан, спорт ва туризм соҳаларидаги алоқалар*” деб номланган иккинчи параграфиди давлатлар ўртасида таълим, илм-фан, туризм ва спорт соҳасидаги алоқалар ривожини ва истиқболни тадқиқ этилган.

